ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАР СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ КАТЕГОРИЯСИНИНГ КОГНИТИВ ТАДҚИҚИ МАСАЛАЛАРИ

А.Зияев

Мақолада замонавий ўзбек, рус, инглиз тилларида универсал табиатга эга бўлган сифат сўз туркуми ва унинг даража категорияси қиёсий-типологик аснода тадқиқ қилинган, шунингдек, уларни тақозо этувчи омиллар очиб берилган.

***Калит сўзлар**: сифат даражалари, сифат, миқдор, меъёр, оддий даража, қиёсий даража, орттирма даража, қиёслаш, когнитив типология, озайтирма даража.*

*В статье исследуются с сопоставительно-типологической точки зрения степени сравнения имен прилагательных в узбекском, русском и английском языках**,** предпринята попытка раскрыть их универсальную природу, выявлены факторы, обуславливающие последнее.*

***Ключевые слова**: степени сравнения, имя прилагательное, количество, мера, положительная степень, сравнительная степень, превосходная степень, сравнение, когнитивная типология, уменьшительная степень.*

This article touches upon the degrees of comparison of adjectives in modern Uzbek, Russian and English from the contractive-typological point of view, which allowed the author to reveal the universal features of the verbalizers and factors preconditioning the latter.

***Key words:** degrees of comparison of adjectives, positive degree comparative degree, superlative degree, norm, comparison, cognitive typology, ordinary, subordinary, superordinary.*

Маълумки, бутун оламнинг асосини нарсалар ва уларнинг муносабатлари ташкил этади. Нарсаларга ички жараёнлар ва бошқа нарсалар билан боғлиқликдаги ҳаракатлар хосдир. Бу ҳаракатлар натижасида нарса ички ўзгаришларга учрайди ёки ўзлигини йўқотиб бир нарса иккинчи нарсага айланади (ўтади). Ҳар бир нарса уни шу нарса қилиб турган муайян миқдор ва сифатга эга. Ҳар бир нарсага хос меъёрий миқдор ва сифат мавжуд. Нарсанинг нарсадаги меъёрий миқдорининг озайиши ёки ортиши нарсанинг турли ҳолатларини келтириб чиқаради. Агар нарса миқдори ўзининг муайян озлик ёки кўплик чегарасидан чиқиб кетса, бу нарсадан бошқа нарса ҳосил бўлган бўлади. Хуллас, нарсанинг ҳаракати, ўзгариши уни ташкил этган миқдорий ва сифатий хусусиятлар билан боғлиқ. Бу жараёнларнинг барчаси тилда акс этади. Натижада киши онгида (тафаккурида) сифат (белги, хусусият) даражалари категорияси шаклланади.

Биз, аввало, барча тилларга хос сифат сўз туркумининг белги даражаланиши категориясининг турли тизимли тиллардаги ўзига хосликларини ўрганишдан олдин бу категориянинг мантиқий-когнитив, эталон ҳолатини аслига мос (адекват) равишда аниқлаб олишимиз, сўнг эса фарқлилик жиҳатларини тадқиқ этишимиз лозим. Бунинг учун эса сифат даражалари категорияси логик жиҳатдан когнитив талқин этилиши, унинг моҳиятини тўғри аниқлаб олиш зарур.

Ҳар қандай категорияда бўлганидек, сифат даражалари грамматик категориясида ҳам умумий ва хусусий маънолар мавжуд. Грамматик категория бўлиши учун хусусий грамматик маънолар бир умумий маънога боғланиши ёхуд бир умумий маъно хусусий маъноларга тармоқланиши ва бунда ҳар бир хусусий маъно ўзининг шаклига (хусусий шаклига) эга бўлиши лозим. Ана шундай тизим грамматик категория дейилади. Демак, сифат даражалари категориясининг мантиқий асосини умумий грамматик маъно (белги), хусусий грамматик маънолар, уларнинг оппозицияси ташкил этади. Шу нуқтаи назардан сифат даражалари категориясининг умумий (категориал) сифатий белгисини предметларга хос сифатий белгининг озлиги-кўплиги (умумий маъно) моҳиятан уч хил бўлади: а) белгининг меъёрий даражаси; б) белгининг меъёрдан озлик (озайтирма) даражаси; в) белгининг меъёрдан орттирилиши (орттирма даража): озайтирма ← меъёр → орттирма.

Бундай ҳолатни ўзбек тили грамматикаси бўйича чиқарилган дарсликлардаги сифат даражаларига берилган таърифдан ҳам англаб олиш қийин эмас. Хусусан, Ғ.Абдураҳмонов таҳрири остида ёзилган «Ўзбек тили грамматикаси» дарслигида сифат даражаларига қуйидагича таъриф берилади: «Предмет, ҳолат, ҳодисанинг турли-туман ўзига хос конкрет ҳамда абстракт белгилари бўлади. Бундай белгилар нормал бўлиши мумкин

ва шу нормалликка нисбатан ортиқ ёки кам, паст ёки баланд бўлиши мумкин». Бу ҳодиса сифатнинг даража формалари ёрдамида ифодаланади [1. 296].

А.Нурмоновнинг таъкидлашича, «Сифатлар белгини тўғридан-тўғри (оқ, кўк каби) ёки белгини қиёслаб, даражалаб кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, кўкиш, кўкимтир, кўм-кўк, тўқ кўк, оч кўк ва бошқа. Булардан *кўк* белгини тўғридан тўғри ифодалаб, унинг *меъёрда* эканини, *кўкиш, кўкимтир,* кўк белгисининг *меъёрдан кам* эканини, кўклик ҳақидаги тасаввуримизга етмаганини, *кўм-кўк, тўқ кўк* сифатлари эса белгининг *меъёрдан ортиқ*, кучли эканини билдиради» [7.295].

Ана шу таърифлар ҳам сифат даражаларининг *меъёрий* ҳамда мана шу меъёрга нисбатан *оз ёки кўп, баланд ёки паст* ҳолатда бўлиши, шунинг учун ҳам уларни: озайтирма ← меъёрий → орттирма тарзида тавсифлаш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Айни ҳолат дунёнинг барча тиллари учун ҳам хос эканлигини унутмаслик керак. Шу боис ҳам турли тизимдаги, хусусан, ўзбек, рус, инглиз тилларидаги сифат даражалари талқини аслида ана шу логик андазага (схемага) асосланиши лозим. Ҳар уч тил грамматикасида эса бу масала бўйича хусусий атамалар, хусусий грамматик маънолар оппозициялари бўйича чалкашликлар учрайди. Буларга муносабат билдирмасдан, уларни бартараф этмасдан туриб, типологик тадқиқотни самарали амалга ошириб бўлмайди.

Юқорида эслатилганидек**,** қиёсга асосланувчи сифат даражалари категорияси уч аъзолидир: озайтирма, меъёрий, орттирма. Бунда ядро «меъёрий» бўлиб, икки чет аъзо унга нисбатан ҳосил қилинган: озайтирма ← меъёрий → орттирма.

Энди уларнинг шакл (номема) ва маъно (семема) муносабати таҳлилига ўтамиз. Меъёрий даража ўзбек / рус / инглиз тилларида «оддий даража - positive degree – положительная степень, қиёсий даража – comparative degree – сравнительная степень ва орттирма даража – superlative degree – превосходная степень» деб номланади [10. 62-69; 11. 172-175; 12. 108-129; 4. 42- 43; 5. 160-165 ва ҳ.к.).

Мантиқан олганда, «оддий» тушунчаси аслида «мураккаб» тушунчасига зид қўйилиши лозим бўлиб, бу тушунча ўзида «миқдор даражаси», «белги миқдори тури» каби маъноларни акс эттира олмайди. Рус тилидаги «положительная степень» атамаси маъноси ҳам миқдор тушунчаси билан боғланмайди. У аслида муносабат (положительная/отрицательная) мазмунига алоқадор. Инглиз тилидаги «positive» атамаси ҳам рус тилидаги «положительная степень»нинг айнан ўзи ёки дублетидир. Бу ўринда шуни айтишимиз жоизки, И.Туранский томонидан қўлланган ординар – субординар – суперординар тизимидаги «ординар» атамаси «меъёрий» даража маъносига бир мунча яқин келади [9.31). Унинг маъноси «одатдаги», «меъёрий» тушунчаларини англатади. Яна шуни қайд этишимиз мумкинки, «меъёрий» тушунчаси ҳам озайтирма ва орттирма ўртасидаги марказий «меъёр»ни ифодалайвермайди. Зеро 0 белгининг озайиши ва ортиши (абсолют озайиши ва абсолют ортишининг) даража шкаласининг меъёрдан бошқа нуқтасида ҳам бўлиши мумкин. Масалан: *Бу олма унисидан қизилроқ, кейингиси эса унисидан ҳам қизилроқ* каби (қиёслаш нуқталари ўзгариб бормоқда).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек, рус ва инглиз тилларида сифат даражалари категориясининг логик жиҳатдан ўринли бўлган «меъёрий» тушунчасига И.Туранский томонидан қўлланган «ординар» атамаси мос келади [9.31]. Демак, бизнингча, анъанавий грамматикаларда қўлланиб келинган оддий даража **–** positive degree **–** положительная степень ўрнига *меъёрий даража-нормальная степень (шунинг синоними) ординарная степень – ordinary degree* атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек, рус ва инглиз тили грамматикаларида *қиёсий даража – comparative degree – сравнительная степень* атамалари учрайди. Бу атамалар ҳам ўз лексик маъноларида белги даражаси турини ифодаламайди. Аслида «қиёсий» тушунчаси белги даражалари (оз, меъёрда, кўп) билан эмас, балки бу даражаларни аниқлаш учун қўлланадиган усул ёки методнинг (қиёслаш методи) номидир. Бу атама аслида озлик ёки кўплик ифодалаётган конструкцияга ишора қилади холос: *Нок олмадан ширинроқ* (қиёслаш//қиёсий конструкция). Демак, бу атама ҳам *оддий даража - positive degree — положительная степень* бўлган каби белги миқдори билан боғлиқ эмас. Одатда қиёсий даража кўрсаткичи сифатида ўзбек тилида -роқ, (рус тилида –ее + имя существительний в родительном падеже), инглиз тилида бир бўғинли сифатларда – *er,* кўп бўғинли сифатларда эса *more* сўзини сифатлар олдига қўйишдан фойдаланилади.

Ўзбек тилида *-роқ* аффиксининг маъноси ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд: Тилшунос З.Маъруповнинг таъкидлашича «Ўзбек тилида *-роқ* аффикси биргина асосий маъносига эга. У ҳар вақт белгининг «оддий даража»га нисбатан бир оз кучсиз эканлигини, яъни «оддий даража» деб аталувчи муайян бир нормага етмаган эканлигини билдиради» [6.133].

А.Кононовнинг фикрича ҳам «Замонавий ўзбек адабий тилида -роқ аффикси кўпинча белгининг меъёрдан камлигини ифодалаш учун ишлатилади (баъзи ҳоллардагина қиёсий даража кўрсаткичи сифатида қўлланилиши мумкин). Масалан: а) сифатнинг меъёрдан камлиги: майдароқ (мелковатый), совуқроқ (холодноватый), аччиқроқ (горьковатый); б) икки предмет (элатив)ни бевосита қиёсланмаган ҳолатда белги миқдорининг юқори даражасини ифодалайди. Бундай ҳолатларда, одатда «яна, янада, яна ҳам» каби равишлар билан бирга қўлланилади: ... юзларини май яна кучлироқ оловлантирди, сурмали кўзларнинг қора шуъласи яна ёрқинроқ ёнди (Ойбек) ... вино еще сильнее воспламенило лица, черный блеск насурмленных глаз загорелся еще ярчее [5.163].

Ғ.Абдураҳмонов бошчилигида муаллифлар томонидан ёзилган дарсликда «Навоий даври ўзбек тилида, эски ўзбек тилида *-роқ* аффиксининг асосий хусусияти чоғиштириш билан боғланган ортиқлик, қиёс-ортиқлик маъносини англатиш бўлган (... барчадан яхшироқдир ҳаёт гули. Навоий), ҳозирги замон ўзбек тилида бу аффикс камликни, белгининг нормадан кучсизлигини билдириш билан характерланади» [1.54].

А.Нурмонов *-роқ* аффиксини *-(и)ш -(и)мтир* қўшимчалари билан бир қаторда сифатнинг озайтирма даражасини ясаши ва булар ичида *- роқ* қўшимчаси *бироз, сал,* баъзан *ним, оч* сўзлари билан синоним бўлиб келиши, шунинг учун уларни кўпинча бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкинлигини қайд этади. Масалан, *қизилроқ – сал қизил, бироз қизил, оч қизил* каби [7.295-296].

О.Бозоров *-роқ* аффиксининг асосий ва контекстуал маънолари борлигини қайд этади. У лисоний-морфологик бирлик сифатида, яъни алоҳида гап таркибига кирмаган ҳолатда белгининг камлигини билдиради. Бунга унинг этимологик ҳолати асос бўлади: *йироқ → роқ,* аниқроғи, бу аффикс белгининг меъёрга етмаганлиги, ундан йироқлигини ифодалайди. Масалан, *новчароқ* (новча эмас, новчага етмаганлик, қизилроқ, қизилга етмаганлик, қизғиш каби) [2.96]. Баъзи олимлар *-роқ* аффикси маъносида меъёрдан ортиқликни кўрадилар. Бунда улар қиёсловчи-оширувчи конструкциянинг контекстуал ортиқлик маъноси *-роқ* деб ҳисоблайдилар. Қуйидаги уч ҳолатда қўлланган *-роқ* маъносига эътибор беринг: 1. Узоқдан баланд бино кўринди. 2. Узоқдан баландроқ бино кўринди. 3. Оқ рангли бино кўк рангли бинодан баландроқ. Биринчи гапда «баланд» белгиси одатдаги, меъёрдаги баланд тушунчасидир. Иккинчи гапда «баланд»га етмаганлик, «баланд эмас» маъносидадир. Учинчи гапда -роқ аффикси кўк бино баландлигининг оқ бино баландлигидан баландлигини ифодалаётгандек туюлади. Аслида бу ерда иккинчи бино баландлигининг биринчи бино баландлигидан ортиқлигини ифодалаш амалга оширилмоқда. Бу ерда -роқ аффикси бир томондан, кўк бино баландлиги даражасини озайтирмоқда: оқ бино кўк бинодан баланд – оқ бино кўк бинодан баландроқ (баландга етмаганлиги, баланд эмас), иккинчи томондан, -дан асосли, нисбатли, контекстуал конструкция орқали кейинги баланднинг олдинги баланддан ортиқроқ, баландроқ эканлигини кўрсатмоқда. Демак, бу ўринда *-роқ* аффикси дискрет (қоришиқ) маъноли, яъни ўзи бевосита қўшилган сўзга нисбатан озайтириш (баландроқ – баландга етмаганлик), олдинги дистант ҳолатдаги баландга нисбатан ортиқлик маъносини англатмоқда (баланд баланддан баландроқ). *-роқ* аффиксининг камликни билдириши баъзан предмет белгисини онгимиздаги меъёр, эталон билан қиёслаганимизда яққол кўринади: Узоқдан новчароқ (новчага етмаган) одам кела бошлади. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилидаги -роқ аффиксининг рус, инглиз тилидаги эквивалентлари маъноларини текшириб кўришга тўғри келади. Кўриниб турибдики, *-роқ* аффиксининг «қиёсий даража аффикси» дейилиши унинг даража маъносига (озлик) эмас, балки унинг қиёслаш конструкцияси таркибида эканлигига кўра номланган (конструкциянинг номи шу бутуннинг қисми бўлган *-роқ*га кўчирилган).

Шундай қилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги қиёсий даража – comparative degree - сравнительная степень атамалари моҳиятан белгининг хусусий миқдор даражасини англатмайди. Бу атамалар ўрнига белгининг камлик даражаси маъносини англатувчи атамалар зарур. Сифат даражалари категориясининг учинчи хусусий тури учун ўзбек тилшунослигида орттирма даража, рус тилида превосходная степень, инглиз тилида superlative degree терминлари қўлланиб, улар ўз аталмишлари маъноларини тўғри акс эттиради.

Сифат даражалари категориясининг мантиқий асосини *қиёслаш* ташкил этади. Шунинг учун ҳам баъзилар уни сифатнинг қиёсий даражалари категорияси ҳам дейишади. Шундай экан, сифатнинг ҳар қандай озайтирма-кучайтирма шакллари қиёслаш натижасидир. Шу боисдан ҳам бу категорияга оид бўлган қиёслаш турларини кўриб чиқиш лозим бўлади.

О.Бозоров шу нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, сифат даражалари асосидаги қиёслашларни икки турга ажратади: а) конкрет қиёслаш; б) қиёси кучсизланган, кучсиз, яққол билиниб турмайдиган

қиёс. Конкрет қиёсларда таққосланувчи белгили предметлар гап конструкциясида бевосита ифодаланади: *Новвот қанддан ширин*. Кучсизланган, таққослаш ҳолати аниқ билиниб турмайдиган қиёслар, аввало, сифатларнинг орттирма даражасида учрайди*: М.Тайсон энг кучли боксчи*. Бу гапда қиёслаш пресуппозиция (таг мазмун) «бошқа боксёрлар билан қиёслаганда» тарзида берилган. Қиёслашнинг имплицит (яширин) ифодаланиши сифатларнинг *қип-қизил, қизғиш, қизғимтир* турларида учрайди: *қип-қизил олма*, яъни бошқа олмаларга қиёслаганда улардан ортиқ қизилликка эга бўлган ёки қорамтир – бошқа қора рангларга қиёслаганда меъёрий, одатдаги қорага етмаган қорача, қораликка етмаган, қоралиги озроқ даражага эга бўлган каби [2.97].

Сифат даражаси категорияси турли тизимдаги тиллар қиёсида (типологиясида) ўрганилган экан, аввало, сифатларнинг қайси маъно турларининг бу категорияда иштирок этиш-этмаслиги, иштирок этишда уларнинг ҳар бир тилдаги ўзига хослиги ва ўхшашлиги, *меъёрий, озайтирма, орттирма* даража мезонларининг аниқланиши, ҳар бир даражанинг ички мазмуний ҳолатлари ва уларнинг ифода томонлари, даража турларининг фонетик, морфологик, лексик-синтактик воситалари, булардаги фарқлиликларга катта эътибор бериш керак.

Сифат даражалари аслида интенсификация/деинтенсификация макрокатегориясининг микрокатегориясидир. Шу боис сифат даражаларини ифодаловчи бирликларнинг ўз макрокатегорияси тизимидаги ўрнини белгилашга аҳамият берилиши керак.

Хуллас, турли тизимдаги тилларда сифат даражалари категорияси ўрганилаётганда бошқа тил грамматикаси тавсифидан эмас, балки шу категориянинг логик категорияси, андазаси конструкциясидан келиб чиқиб таҳлилни амалга ошириш лозим. Зеро, бирор хусусий, миллий тил грамматикаси сифат даражалари категориясининг объектив мазмунини субъектив янглишиш акс эттираётган, тавсифлаётган бўлиши мумкин. Тадқиқ жараёнида сифат даражаларини ифодалаш учун хизмат қилаётган қиёсий мазмуннинг турларига (эксплицит, имплицит) алоҳида эътибор берилиши даркор. Шунингдек, сифат даражалари категориясининг интенсификация/деинтенсификация макрокатегориясида тутган ўрни, шаклий ва маъновий бирликларнинг ўхшаш ва ноўхшаш томонлари тадқиқ этилиши керак.

Адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ғ.А. ва бошқалар. Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. Морфология.- Т.: Фан, 1975.- 612 б.

2. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка.- М.: Выс.шк., 1975.- 124 с.

3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1995.- 132 б.

4. Гулямов.А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Аффиксация, часть I. Словообразующие аффиксы имен.- М., 1955.- С. 68-76.

5. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка.- М., 1960.- 446 с.

6. Маърупов З. Сўз состави. От ва сифат.- Т., 1956.- Б.133.

7. Нурмонов А., Махмудов Н., Собиров А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Т.: Илм Зиё, 2015.- 575 б.

8. Решетов В.В., Иброҳимов С.И., Турсунов У.Т. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. (Фонетика, лексикология, морфология).- Т.: Фан, 1966.- 384 б.

9. Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. – М.: Высшая школа, 1990. - 173 с.

10. Ilyish B.A. The structure of modern English. Leningrad. 1965. 187 p.

11. Leach G.A. Communicative grammar of English. M., Prosveshenie, 1983. 354 p.

12. Quirk R., Greenbaum S., Leach G. A University grammar of English. M., Vyssaya skola, 1982.384 p.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 29 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мўминов)